

## **Касб фаолиятига оид саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 11.09.2017 йилдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон Қонуни қайси ташкилотларга нисбатан татбиқ этилади?
2. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон Қонунига биноан ариза нима?
3. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон Қонунига биноан шикоят нима?
4. Электрон мурожаат деганда нима назарда тутилади?
5. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон Қонунига биноан аноним мурожаатга таъриф беринг.
6. Айти бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси нима деб аталади?
7. Давлат иштирокидаги ташкилот деганда қандай ташкилотлар назарда тутилади?
8. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон Қонунига биноан мурожаатларнинг қандай шакллари мавжуд?
9. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига биноан мурожаатларнинг қандай турлари мавжуд?
10. Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда, конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса масъул ходим томонидан қандай хатти-ҳаракат амалга оширилади?
11. Вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига мустақил мурожаат қилганда, ушбу мурожаатлар кўриб чиқиладими?
12. Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига қирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушганда масъул ходим томонидан қандай хатти-ҳаракат амалга оширилади?
13. Агар мурожаатларда уларни тегишли давлат органларига, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, масъул ходим томонидан қандай хатти-ҳаракат амалга оширилади?
14. Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, масъул ходим томонидан қандай хатти-ҳаракат амалга оширилади?
15. Жамоавий мурожаатларга жавоб, агар мурожаатда жавобни бошқа шахсга юбориш талаб этилмаган бўлса жавоб хати кимга юборилади?

16. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини айтиб беринг.
17. Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда қандай хатти-ҳаракат амалга оширилади?
18. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, қандай хатти-ҳаракат амалга оширилади?
19. Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда қандай хатти ҳаракат амалга оширилади?
20. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар?
21. Қандай мурожаатлар кўриб чиқилмайди?
22. Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари нималардан иборат
23. Такрорий мурожаат нима?
24. Оммавий ахборот воситалари орқали келиб тушган мурожаатлар қай тартибда кўриб чиқилади?
25. Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқиладиганда жисмоний ва юридик шахслар қандай ҳуқуқларга эга?
26. Такрорий мурожаат ва мурожаатнинг дубликати тушунчаларининг фарқини тушунтириб беринг.
27. Ҳужжатни ижро этиш бўйича кўрсатмалар резолюциясида қандай мажбурий элементлар бўлиши керак?
28. Ҳужжатни ижро этувчи (тузувчи)нинг фамилияси ва унинг хизмат телефони рақами ҳужжатнинг қайси қисмида қайд этилади?
29. Девонхонага келиб тушган Ҳужжатлар солинган конвертлар очилганда ҳужжатлар етишмаслиги ёки яроқсизланганлиги аниқланганда қандай хатти-ҳаракат амалга оширилади?
30. Конверт очилганда ҳужжат бошқа ташкилотга йўналтирилган ва адашиб ташкилотга келиб тушганда қандай хатти-ҳаракат амалга оширилади?
31. 1а, 1б назорат карточкалари орқали назорат қилиниши ва текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар қайсилар?
32. 2а, 2б назорат карточкалари орқали назорат қилиниши ва текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар қайсилар?
33. Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси нима?
34. Ташкилотда доимий ва узоқ вақт (10 йилдан кўпроқ) муддатда сақланадиган ҳужжатлар қаерда сақланади?
35. Ҳужжатларни идоравий архивга топширишга тайёрлаш нималарни ўз ичига олади?
36. Доимий ва узоқ вақт сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар йиғмажилдларини тўлиқ расмийлаштириш тартибини айтиб беринг.
37. Ҳужжатлар йиғмажилдлари варақларини рақамлаш тартибини айтиб беринг.
38. Ҳужжатлар йиғмажилдларини архивдан ташкилот ходимларига бериш ва қайтариб олиш тартибини тушунтиринг.
39. «ijro.gov.uz» тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси амалга ошириш босқичларини санаб беринг.

40. Қандай ҳужжатлар турлари мавжуд?
41. Ҳизмат ёзишмалари нима ?
42. Ҳисобот нима?
43. Кафолат хати нима ?
44. Ижро этувчи ҳокимият нима?
45. «ijro.gov.uz» тизимининг асосий вазифалари нималардан иборат?
46. Ҳужжатларнинг ижро этиш муддатлари тўғрисида маълумот беринг?
47. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва индекслаш қоидалари ҳақида нималарни биласиз?
48. Архив ҳужжатларини идоравий архивларда вақтинча сақлашнинг муддатлари тўғрисида маълумот беринг?
49. Электрон ҳужжатни жўнатиш, қабул қилиш ва сақлаш тартиби?
50. Презентациядан қандай мақсадларда фойдаланилади?  
Презентацияларнинг қандай турлари бор?